

**“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ**  
**акциядорларнинг йиллик**  
**умумий йиғилишининг**  
**2022 йил «29» июндаги баёни билан**  
**«ТАСДИҚЛАГАН»**

**“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси”**  
**Ижроия органи тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Суғурта фаолият тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти уставига асосан ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти Ижроия органининг (кейинги ўринларда – Жамият Ижро органи деб юритилади) мақомини белгилайди ва унинг ишини, Ижроия органи Раҳбари ва унинг ўринбосарларини тайинлаш тартибини, шунингдек Ижроия органининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

**2-боб. Жамият ижро органини тузиш тартиби**

3. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш Жамият уставига мувофиқ тайинладиган Бош директор томонидан амалга оширилади.

4. Жамият Бош директори ва унинг ўринбосарлари амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ, Жамият уставида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилиги асосида Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Жамият уставига мувофиқ, Ижроия органи Раҳбари ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Жамият Кузатув кенгаши ваколатига берилиши мумкин.

5. Жамият Бош директори билан билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Жамият Ижроия органи Раҳбарининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва Бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини Жамият Бош директори имзолайди.

6. Жамият Ижроия органи Раҳбарлигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳар бир номзод бўйича алоҳида амалга оширилади, шунингдек белгиланган тартибда чет эллик менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлови бўйича саралаш асосида Жамият Ижроия органи Раҳбарлигига аъзолигига номзод сифатида киритилиши мумкин.

7. Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Ижроия органи Раҳбари ва (ёки) унинг ўринбосарларининг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги номзод келишувгунга қадар унинг вазифаларини Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан вақтинча бошқа шахс бажаришига рухсат берилади.

### **3-боб. Жамият ижроия органи**

8. Жамият Бош директори Жамият уставида белгилаб берилган ваколатлар, тузилган меҳнат шартнома шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари, кўрсатмалари ва мазкур низом доирасида иш тутади.

Жамият Бош директори ва унинг ўринбосарларини моддий рағбатлантириш Жамият фаолияти самарадорлигига қараб ҳамда Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

9. Жамият Бош директори мазкур Низомга мувофиқ, Жамият фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан Жамият Кузатув кенгашига ўринбосарликка қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

10. Акциядорлар умумий йиғилиши ва (ёки) Жамият Кузатув кенгаши агар Жамият уставида унга мазкур ваколат берилган бўлса, Жамият Бош директори шартнома шартларини бузганда ёки амал қилмаганда у билан тузилган меҳнат шартномани бекор қилиши мумкин.

11. Акциядорлар умумий йиғилиши ва (ёки) Жамият Кузатув кенгаши агар Жамият уставида унга мазкур ваколат берилган бўлса, Жамият Бош директори Жамият уставини қўпол равишда бузганда ёки ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида Жамиятга зарар етказган тақдирда у билан тузилган меҳнат шартномани муддатдан аввал бекор қилаши мумкин.

12. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Жамият Бош директори билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатдан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори, умумий йиғилишда қатнашаётган овоз бериш ҳуқуқига эга акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13. Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Бош директори билан тузилган меҳнат шартномани бекор қилиш ёки муддатдан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори, мажлисда қатнашаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

14. Акциядорлар умумий йиғилиши ва (ёки) Жамият Кузатув кенгаши қарори асосида Бош директори ваколатлари тугатилганда, мазкур мажлисда унинг ваколатларини бошқа шахсга берилиши ёки яқин ўртада бўлиб ўтиши режалаштирилган умумий йиғилишда кўриб чиқилиши учун қолидирилиши ҳамда Жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажариш учун бошқа шахсга юклатилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

#### 4-боб. Жамият бошқаруви ваколатлари ва вазифалари

15. Жамият Бош директори Жамият фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

16. Жамият Бош директори Жамият фаолияти учун жавоб беради ва амалдаги қонунчилик талаблари, Жамият устави, мазкур Низом, у билан тузилган шартнома шартлари, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорлари асосида фаолиятини ташкил этади.

17. Жамият Бош директори:

Жамиятнинг жорий фаолиятига тезкор раҳбарликни ташкил этади ва амалга оширади;

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ва Жамият кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади;

Жамият марказий аппарати бўлинмалари раҳбарлари ва филиаллари раҳбарларининг Жамият фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ва ишлар учун фаолият якунлари тўғрисидаги, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари бўйича ҳисоботларини кўриб чиқади;

Жамият бўлинмалари иш амалиётига энг илғор технологиялаи, бизнес-жараёнларни комплекс автоматлаштириш лойиҳалари жорий этилишини ташкил этади, замонавий инфратузилма яратилишини таъминлайди;

Жамиятнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари тармоғини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади ва амалга оширади;

Зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида, Жамият активларининг диверсификацияланишини амалга оширади;

Жамият томонидан Молия вазирлиги белгилаган иқтисодий нормативларга риоя қилинишини таъминлайди;

Жамиятнинг сармояли ва ликвид ресурслари етарли даражада бўлишини, шубҳали ва бекор турган активлар бошқаригни таъминлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга ва халқаро стандартларга мувофиқ, Жамият бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

Жамиятнинг марказий аппарати бўлинмалари раҳбарларини ва филиаллари бошқарувчилари ва бош бухгалтерларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлайди ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатади, Жамиятнинг кадрлар таркиби тайёрланишини ва қайта тайёрланишини таъминлайди, энг ўрнатилган ходимларни рағбатлантириш, шунингдек, зарурият бўлганда, ходимларга нисбатан интизомий жазолар қўллаш ва улардан интизомий жазоларни олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамият Кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини таъминлайди;

Жамият Кузатув кенгаши ва муассисларнинг биринчи талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва Жамият фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этади;

Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамият фаолиятининг молиявий натижалари учун белгиланган тартибда ҳисобот беради;

Жамият Кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун Жамиятни ривожлантириш стратегияси, Жамиятнинг ташкилий-бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади;

Жамият филиаллари (бўлинмалари) томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қилади;

Жамиятнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга соладиган ички ҳужжатларни тасдиқлайди, тасдиқланиши Акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши ваколатига тегишли бўлган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

ишчи органларни, шу жумладан Жамият кўмиталарини тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

филиални бошқариш бўйича вақтинча бошқарувни ёки Жамиятнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамият Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда ўз ваколатлари доирасида мол-мулк сотиб олиш ва уни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган йирик битимлар, шу жумладан корхоналарга кредит бериш бўйича йирик битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соф активлари миқдорининг 15 фоиздан кўпроғини ташкил қиладиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимлар) тузади;

амалга оширилаётган суғурта ва инвестиция лойиҳаларининг ўзини ўзи қоплаши, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашига ахборот бериш;

Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ, тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади;

Жамиятнинг стратегик мақсади, сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди;

Жамиятни ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши муҳокамасига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритади;

хорижий тажрибада муваффақиятли синовдан ўтган бошқарув услубларини, махсус дастурий маҳсулотлар ва бошқаларни кенг қўллайди;

Жамиятда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, Жамиятнинг ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади;

Жамият Бош директори ва унинг ўринбосарлари жойларда кўчма мажлис ўтказишлари мумкин ҳамда ушбу кўчма мажлис қарори Жамиятда тасдиқланган тақдирда кучга киради;

Ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ўз малакасини ва Жамиятнинг таркибий бўлим раҳбарларининг малакасини ошириб боради;

Жамият фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал этади.

18 Жамиятда мажлисларни ўтказишни Жамият Бош директори ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият мажлиси баённомаларини имзолайди, Жамият қабул қилган қарорлар ва буйруқларга мувофиқ, ўз ваколат доирасида Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

19. Жамият Бош директори Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Жамият номидан битимлар тузади, Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

20. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Жамият уставида ҳамда уч йил муддатгача тузадиган меҳнат шартномасида белгиланади.

21. Жамиятнинг тегишли бўлинмалари раҳбарлари Жамият ҳисоботидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

22. Жамиятнинг филиаллари Раҳбарлари ва бош бухгалтерлари Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамият Бош директори ва (ёки) ваколат берган шахси томонидан тайинланади. Жамият бош директори ва (ёки) ваколат берган шахси Жамият номидан Жамият филиаллари Раҳбарлари билан меҳнат шартномалари тузади.

23. Жамият ходимлари Жамият устави ҳамда мазкур Низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бош директори ва (ёки) ваколат берган шахси ва (ёки) Жамият филиаллари Раҳбарлари меҳнат шартномаси тузадилар.

24. Жамият Бош директори, унинг ўринбосарлари ва таркибий бўлим раҳбарлари бошқа жамиятларда бир йўла бир неча касбда ишлаш, иш фаолиятини кўшиб олиб бориш, Жамият Кузатув кенгаши рухсати билан амалга оширади.

### **5-боб. Жамият ижроия органининг иш тартиби**

25. Жамият Ижроия органи томонидан Жамият Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Жамият Раҳбариятининг мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Жамият Ижроия органининг таклифи ҳақида Жамият Кузатув

кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият Бош директори ёки у томонидан ваколат берилган Жамият ходими аъзоси ахборот беради.

26. Жамиятда мажлисларини Жамият Бош директори, раис бўлмаган ҳолда унинг ўринбосарларидан бири олиб боради ва Жамият мажлис баённомаларини имзолайди.

#### **6-боб. Жамият ижроия органининг жавобгарлиги**

27. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим. Улар ўз ишларининг натижалари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият олдида жавоб берадилар.

28. Жамият Бош директори тузилаётган битимда молиявий манфаатдор бўлса, агар тузилаётган битимда бир томондан Жамият қатнашаётган бўлса, унда у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда у қатнашмайди.

29. Жамият Бош директори унга берилган хизмат ваколатларидан меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

30. Жамият Бош директори шахсий фойда кўриш мақсадида, Жамиятнинг мол-мулкни тасарруф қилишда суъистемоликларга йўл қўйилмаслиги керак.

31. Бунда овоз беришда Жамиятга зарар келтириши мумкин бўлган қарор муҳокамасида қатнашмаган ёки қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавоб бермайдилар.

Тикилган ва рақамланган  
6 (олти) варақдан иборат

« 29 » 10 2022й.

ИМЗО

